

# Мадинаи мунавварани зиёратига тегишли масалалар

05:00 / 19.01.2017 21707

هَلْ لِيَابَ يَفَكُّوهُ لِكِنِّي دَلَايَةَ عَرَهَ طَيْلِقِ خَلَا نِي دَوَى دَهْ لِيَابَ هَلْ وَسَّرَ لَسْرَأَ يَدَّلَاوُهُ  
أَعْرُ مَهَارَتُ مَهْنِي بَأَمَّ حُرَّرَافُ كَلَّيَ عُدَّ إِشْرَافَ عَمَّ نِي دَلَّوَهُ لَلْ وَسَّرَ دَمَّ حُمَّ أَدِي هَشَّ  
أَنَ أَوْضَرَوَهُ لَلْ نَمَّ أَلْضَفَ نَوَعَتْ بِي أَدَّحُ سَ.

**“У Ўз Расулини ҳидоят ва ҳақ дин билан, у(дин)ни барча динлардан устун қилиш учун юборган зотдир. Аллоҳ гувоҳликка кифоя қилувчидир. Муҳаммад Аллоҳнинг Расулидир. У билан бирга бўлганлар кофирларга шиддатли, ўзаро раҳимдилдирлар. Уларни Аллоҳдан фазл ва розилик тилаб, рукуъ ва сажда қилган ҳолларини кўрурсан”** (Фатҳ 28-29 оятлар).

مُهَلُّكَ لَخَلِّ رِيَّخَ كَبِيَّ بَحَّيَ لَعَّ أَدَبًا مَائَادَ مَّسَوِّ لَصَّ بَرَّ اِي

## РАВЗАИ МУТАҲҲАРАНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШНИНГ ФАЗИЛАТИ

Ҳаждан фориғ бўлгандан кейин афзал ва саодатли амал Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзаи мутаҳҳараларини зиёрат қилишдир. Бирор мусулмон Мадинаи мунавварга етиб келгандан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзаларини зиёрат қилмай ортига қайта олмайди. Ҳадиси шарифда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қабрларини зиёрат қилиш қанчалар маҳбуб амал эканлиги айтилган:

هَلْ تَبَّحَّوْ يَرْبَقَ رَازُ نَمَّ " : مَّسَوِّ هَلَّ لَلَّيَّ لَصَّ هَلَّ لَلَّ وَسَّرَ لَقَ : لَقَ رَمُّ عَ نَبَّ نَعَّ  
يَتَّعَ أَفَشَّ .

*Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ким мени қабримни зиёрат қилса, шафоатим унга вожиб бўлади” дедилар**” (Шуабул иймон).

Бошқа бир ҳадиси шарифда шундай дейилган:

حَّ نَمَّ " : مَّسَوِّ هَلَّ لَلَّيَّ لَصَّ هَلَّ لَلَّ وَسَّرَ لَقَ : لَقَ أَمُّ هَعَّ هَلَّ لَلَّيَّ ضَرَّ رَمُّ عَ نَبَّ نَعَّ  
يَتَّعَ أَفَشَّ يَفَّ يَنَ رَازُ نَمَّ كَنَ أَفَشَّ وَ دَعَّ بَّ يَرْبَقَ رَازَفَّ "

*Ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Кимки ҳаж қилиб, вафотимдан кейин қабримни зиёрат қилса, ҳаётлик чоғимда мени зиёрат қилган киши каби бўлади” дедилар”** (Мишкоти шариф).

### **МАДИНАИ МУНАВВАРАГА САФАР ҚИЛИШ**

Макки мукаррамадан Мадинаи мунавварга келишда йўлда кўп бор дуруду саломлар айтиш лозим. Йўлда Масжиди ҳарамдан 16 километр узоқликда Сирф деган жойда Маймуна онамизнинг мақбаралари бўлиб, имкон бўлса, у ерга тўхтаб, тиловат қилиб, савобини бағишлаш лозим. Мадинаи мунавварга яқинлашган сари хушуъ-хузуъни зиёдалаштириб бориш лозим.

### **МАДИНАИ МУНАВВАРГА ЯҚИНЛАШГАН ПАЙТДА ЎҚИЛАДИГАН ДУО**

Мадинаи мунавварга қараб йўлга отланилганда бутун хаёлини икки олам сарвари Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга қаратиш лозим. Мадинаи мунавварга яқинлашиб қолинганда дурудни шарифни кўпайтириб, етиб келай деганда ушбу дуони ўқилинади:

ءوسو باذعلا نم انام او رانلا نم ةياقو يلوخد هلعجاف كلوسر مرح اذه مهللا  
باسحلا.

**“Аллоҳумма ҳазаа ҳараму Расулик фажъалҳу духулий виқоятан минан наар ва амаанан минал ъазааби ва суъил ҳисааб”** (Фатавои қозихон).

**Маъноси:** Эй, Аллоҳим! Бу Расулингни ҳарамии шарифларидир. Мени бу ерга киришимни дўзахдан сақланишимга зария қилгин ва азобдан, ҳисоб-китобни қаттиқлигидан омонлик қилигин.

### **МАДИНАИ МУНАВВАРАГА КИРИШ ОДОБИ ВА ДУОСИ**

Мадинаи мунавварга етиб келгандан сўнг шаҳарга киришдан олдин иложи бўлса, ғусул қилиб олиш керак. Агар ғусул қилишга шароит бўлмаса, таҳорат қилиб олиш лозим. Мадинаи мунавварга киришда янги ёки ювилган кийимларни кийиб олинади. Мадинаи мунаввара одобига риоя қилишга халақит қилмайдиган уловга миниш лозим.

Икки олам сарвари Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шаҳарларига киришда қуйидаги дуо ўқилади:

يُنَجِّحْ أَوْ قَدْصَلِّحْ دَائِبَ هَلْ لَابِ الْإِوَقِ الْوَلَوْحِ الْهَلْ لَأَشِمْ هَلْ لَامَسْبُ  
لِكْتَمْ حَرَبِ أَوْ بَأَيِّ لِحْتَفِ الْمَلَلِ أَرِي صَنْ أَنْ أَطْلُسَ كُنْ دَلْ نَمِ يَلْ لَغْجِ أَوْ قَدْصَلِّحْ حَرْمِ  
لِكْتَعِاطِ لَهْ أَوْ كَيْلِ وَ أَتَقَزَّرَ أَمْ مَلَسَ وَ هَلْ لَعِ لَلِ الْيَلِّصَ لِكَلْ وُسْرَةَ رَايْزُ نَمِ يَنْ قَزَّرَ أَوْ  
لِوَيْسَمَ رَيْخِ أَيِ يَنْ مَحْرَأَوْ يَلْ رَفْعَ أَوْ رَانَ لِمِ نَمِ يَنْ ذِقْنَ أَوْ

**“Бисмиллаҳи маа шаа Аллоҳ лаа ҳавла валаа қуввата илл биллаҳ. Робби адхилний мудхола сидқин ва ахрижний мухрожа сидқин ва ижъал лий мин ладунка султонан насийро. Аллоҳумма ифтаҳ лий абвааба роҳматика варзуқний мин зиёрати Расулика соллаллоҳу алайҳи васаллама маа розақта авлияаака ва аҳла тоъатик. Ва инқизний минан наар. Ва иғфир лий варҳамний яаа хойра масъул”** (Ғуния жадиид).

**Маъноси:** Аллоҳ номи ила кираман. Аллоҳ хоҳлаган нарсагина бўлур. Гуноҳдан сақланишга ҳам, тоатга қувват ҳам ёлғиз Аллоҳ тарафидандир. Эй Роббим, мени кирадиган жойимга содиқлик ила киритиб, чиқадиган жойимга содиқлик билан чиқаргин ва менга Ўз ҳузурингдан ёрдам берувчи қувват ато эт. Эй, Аллоҳим! Менга раҳмат эшикларингни очиб, Расулингни зиёратидан Ўзингни дўстларинг ва тоат аҳлингга берган фойдаларни ато қилгин ва мени дўзахдан халос қилгин. Мени мағфират қилигин ва менга раҳим қилгин. Эй, сўралувчи зотларнинг яхшиси!

أَنْ سَحَاقُ زَرَوْ أَرَارَقِ أَهِي أَنْ لَلْغَجِ الْمَلَلِ

**“Аллоҳумма ижъал ланна фийҳаа қаророн ва ризқон ҳасана”** (Ғуния жадиид).

**Маъноси:** Эй, Аллоҳим! Бизлар учун бу шаҳардан яхши жой ва яхши ризқ ато қилгин.

## МАДИНАИ МУНАВВАРАНИНГ ФАЗИЛАТИ

Ер юзида афзал ва улуғ жой Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак жасадлари тегиб турган ердир. Манашундай улуғ қисмат Мадинаи мунаввара ерига тегишлидир. Ундан кейин Каъбатуллоҳ ва ҳарамдир. Ундан кейин эса, Мадинаи мунаввара ҳудудидир.

- مَلَسَ وَ هَلْ لَعِ لَلِ الْيَلِّصَ - هَلْ لَلِ لُؤْسَرَعَمَ أَنْ جَرَحَ : لَأَقُ هَنَّأُ بِبِلِاطِ يَبَأُ نَبِيَّ لَعَنْعَ  
لُؤْسَرَلِ لَأَقِ بِصَأَقِ وَيَبَأُ نَبِيَّ دَعَسَلُ تَنَأَكِ يَتَلِ أَيُّ قُؤْسَلِ لِبِ ، رَعَحْ لِبِ أَنْ كِ إِذِ إِتَحَ ،

لَبِقْتِ سَافَ مَاق ، أَضَوْتِ أَمَلَف ، عِوَضَوْبِ يَنْوُتِئَا : - مَلَسُو هِيَ لَع هَلَلَا يَلِص - هَلَلَا  
كَمَلْهَ أَلْأَعْد ، كَلَيْلِ خَوَكَ دَبَعَنَ أَكَمِي هَارِبِئِنِ إِيْمُ هَلَلَا : لَاقِ مَث ، رَبِّكَ مَث ، هَلْ بَقُولِ  
ي مَهَلْ كَرَابُتِ نَأَهَ نِي دَمَلِ لَ أَلْ كُوعِدَا ، كُؤُسَرَوَ كُؤَدَبَع ، دَمَحُمَ أَنَاو ، هَلْ كَرَبَلِبِ  
نِي تَكْرَبِ هَلْ كَرَبَلِ أَعَم ، هَلْ كَمَلْهَ أَلْ تَكْرَابِ أَمِ يَلِثَم ، مَهْوَ عَاصُو مَهْؤَمِ

*Али розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам билан биргаликда (Мадинадан) чиқдик. Ҳарра деган жойдаги Саъд ибн Абу Ваққосга тегишли сув бор жойга етиб келдик. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: “Таҳоратга сув келтиринглар” дедилар. Таҳорат қилиб бўлгач ўрниларидан туриб, қиблага юзландилар, сўнг такбир айтиб орқасидан: “Эй, Аллоҳим! Иброҳим Сени банданг ва халилинг эди. Макка аҳлига барака сўраб дуо қилди. Мен Муҳаммад банданг ва расулингман. Мадина аҳлига уларнинг муди ва соъларида Макка аҳлига берган баракангнинг икки баробарини баракасини беришлигини сўрайман. Бир барака икки барака ўрнида бўлсин” дедилар”** (Термизий ривояти).

Дилимни бир Арабий банд қилди

маккалик, мадиналик, ҳошимий, муттолибий

### **МАДИНАИ МУНАВВАРА ҲУРМАТИ**

لَبَجِ آدَه «: لَاقِفُ دُخُ أَلْ عَلَطِ مَلَسُو هِيَ لَع هَلَلَا يَلِصُ يَبْنَلِئَانِ : كَلْ أَمْرُنْ بَسَنَ أَنْ ع  
هَؤُر . «: أَهَيْتَ بَالِ نِي بَ أَمِّ مَحُ أَيْ نِي وَأَوْ هَلْ مَحَمَّ حَمِي هَارِبِئِنِ إِيْمُ هَلَلَا هَلْ بَحُنْ وَ أَنْ بَحُي  
ي رَاحُ بَلِ

*Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади:*

**“Набий солаллоҳу алайҳи васалламга Уҳуд тоғи номоён бўлди. Шунда у зот:**

**“Ушбу тоғ бизни ва биз уни яхши кўрамиз. Эй, Аллоҳим! Иброҳим алайҳиссалом Маккани ҳарам қилди. Мен эса, Лобатайх (Мадинанинг икки тарафи) орасидаги жойларни ҳарам қиламан дедилар”** (Бухорий ривояти).

Набий солаллоҳу алайҳи васаллам Иброҳим алайҳиссалом Макка аҳлига барака тилаб дуо қилганлари каби Мадина аҳлига барака тилаб дуо қилганлар.

هُلِّلَا لِيَصْرَهُ لَلِوَسْرَعَمَ اَنْجَحَ لَاقُ هُنَّ اَنْعُ هَلَلَا يَضْرِبُ لَاطِي بَابُ يَبَّ اَنْبِيَّ لَعَنْعَ  
لَاقِرْ صَاقُ وَيَبَّ اَنْبِيَّ دَعَسَ لَتَنَّا كِي تَلَا اَيُّ قُوسٍ لِبَابِ هَلَلَا اَنْكُ اِذِي تَحَمَّ لَسُو وَيَلَع  
لَبْقُ تَسَافِ مَاقِ اَضَوْتِ اَمَلَفِ عُوْضُ وِبِ يَنْوُتِي اَمَلَسُو وَيَلَعُ هَلَلَا لِيَصْرَهُ لَلِوَسْرَعَمَ  
هَلَلَا اَعْدَا لِيَلَحَّ وَكَذَّبَعْنَا كَمِي هَارِبًا اِنْ اَمَلَلَا لَاقُ مَثَرَبَّ كَمَثَرَةَ لَبْقُ لَاقِ  
مُؤَدِّمُ فِي مَهَلِّ كَرَابُتِ نَأَةَ نِي دَمَلَا لَاقُ كُؤُودَا كُؤُوسَرُو كُؤُودَعُ دَمَّ حُمَّ اَنْ اَوْ هَلَلَا  
نِي تَكْرَبَ هَلَلَا اَعَمَّ هَلَلَا تَكْرَابُ اَمَّ يَلْتَمُّ مَوْعَا وَاوُ

*Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам билан биргаликда (Мадинадан) чиқдик. Ҳарра деган жойдаги Саъд ибн Абу Ваққосга тегишли сув бор жойга етиб келдик. Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам: “Таҳоратга сув келтиринглар” дедилар. Таҳорат қилиб бўлгач ўрниларидан туриб, қиблага юзландилар, сўнг такбир айтиб орқасидан: “Эй, Аллоҳим! Иброҳим Сени банданг ва халилинг эди. Макка аҳлига барака сўраб дуо қилди. Мен Муҳаммад банданг ва расулингман. Мадина аҳлига уларнинг муди ва соъларида Макка аҳлига берган баракангнинг икки баробарини баракасини беришлигини сўрайман. Бир барака икки барака ўрнида бўлсин” дедилар”** (Термизий ривояти).

### **МАДИНАИ МУНАВВАРА ҲУДУДИ**

Мадинаи мунаввара икки катта тоғ орасида жойлашган бўлиб, бир томондан уҳуд тоғи иккинчи томондан Айра тоғи қуршаб олган. Баъзи ривоятларда Уҳуд тоғи ўрнига Савр тоғи дейилган. Мадинаи мунавварада Савр деб аталган бир кичик тоғ мавжуд бўлиб, у Уҳуд тоғи этагида жойлашган. Маккаи мукаррамадаги Савр тоғи жуда катта тоғдир.

Демак, Мадинаи мунаввара ҳудудига киргандан кейин доимо у ерда ножўя иш қилиб қўймаслик фикрида юриш лозим.

### **РИЁЗУЛ ЖАННАТДА ИБОДАТ ҚИЛИШ ФАЗИЛАТИ**

اَنْبِيَّ اَمَّ: "لَاقُ مَلَسُو وَيَلَعُ هَلَلَا لِيَصْرَهُ لَلِوَسْرَعَمَ اَنْعُ هَلَلَا يَضْرِبُ لَاطِي يَبَّ اَنْبِيَّ  
"يَضْرِبُ لَاطِي يَبَّ اَنْبِيَّ دَعَسَ لَتَنَّا كِي تَلَا اَيُّ قُوسٍ لِبَابِ هَلَلَا اَنْكُ اِذِي تَحَمَّ لَسُو وَيَلَعُ  
لَبْقُ تَسَافِ مَاقِ اَضَوْتِ اَمَلَفِ عُوْضُ وِبِ يَنْوُتِي اَمَلَسُو وَيَلَعُ هَلَلَا لِيَصْرَهُ لَلِوَسْرَعَمَ  
هَلَلَا اَعْدَا لِيَلَحَّ وَكَذَّبَعْنَا كَمِي هَارِبًا اِنْ اَمَلَلَا لَاقُ مَثَرَبَّ كَمَثَرَةَ لَبْقُ لَاقِ  
مُؤَدِّمُ فِي مَهَلِّ كَرَابُتِ نَأَةَ نِي دَمَلَا لَاقُ كُؤُودَا كُؤُوسَرُو كُؤُودَعُ دَمَّ حُمَّ اَنْ اَوْ هَلَلَا  
نِي تَكْرَبَ هَلَلَا اَعَمَّ هَلَلَا تَكْرَابُ اَمَّ يَلْتَمُّ مَوْعَا وَاوُ

*Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Уйим билан минбарим орасида жаннат боғларидан бир боғ бор. Минбарим эса, ҳавзи кавсарим устидадир” дедилар”** (Бухорий

ривояти).

Риёзул жаннат жуда ҳам тиқилинч бўлганлиги сабабли у ерга бориш машаққатлидир. Шу боис намоздан бир ярим соат олдин у ерга боришга ҳаракат қилиш лозим. Аксар уламолар наздида ернинг ушбу бўлаги қиёмат куни жаннатга боради.

## **МАСЖИДУ НАБАВИЙ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ)ГА КИРИШ ОДОБИ**

Мадинаи мунавварага кирибоқ, биринчи Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га кириш лозим. Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га киришдан илгари бошқа бирор иш билан машғул бўлмаслик керак. Агар бирор зарурий иш бўлса, ундан тезроқ фориғ бўлиб, у ерга кириш лозим. Аёлларни кечки пайт киришлари афзалдир. Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га кираётган пайтда қуйидаги дуо ўқилади:

يَلِّحْ خَفَاو ، يَبْؤُنْ ذِي رَفَا بَر ، هَلَلِ لُؤْسَرَّ عَالِ سَلَاو ةَوْلِ صَلَاو هَلَلِ مَسْبَب  
كَلَّمَ حَرَّ بَاوَبْ أ.

**“Бисмиллаҳи вас солаату вас салааму ъала Расулиллаҳ, Робби иғфир лий знубий, вафтаҳ лий абвааба роҳматик”** (Ғуниян носик).

**Маъноси:** Аллоҳ номи ила киришни бошлайман. Аллоҳнинг расулига солаво ту саломлар бўлсин. Роббим гуноҳларимни мағфират қилгин ва мен учун раҳмат эшикларингни очгин.

Ушбу дуони ниҳоятда хокисорлик ва тазарруъ ила ўқиш лозим. Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га Жаброил алайҳиссалом эшигидан кириш афзал. У ерга киргандан кейин риёзул жаннатда икки рақъат таҳиятул масжид ўқиб, дуо қилинади. Агар масжидга кирганида жамоат намоз ўқиётган бўлса, уларга қўшилиб олади ва ушбу фарз намози таҳиятул масжид ўрнига ҳам ўтади.

## **РАВЗАИ МУБОРАК СОҲИБИ НАБИЙ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМГА САЛОМ АЙТИШ ОДОБИ ВА ЙЎЛ-ЙЎРИҒИ**

Риёзул жаннатда икки рақъат таҳиятул масжид ўқиб, дуодан фориғ бўлгандан кейин чиройли одоб ила қибла томондан муборак қабр олдига бориб, тик туриб қиблага орқасини, олдини эса муборак қабрга қилиб, ихлос ва хушуъ билан чин қалбдан қуйидаги лафзлар билан салом

айтилади:

اي كُنِيَ لَعْمُ الْمَسْلُومِ ، لَوْلَا قَوْلُ رِيخِ اِي كُنِيَ لَعْمُ الْمَسْلُومِ ، لَوْلَا لَوْلَا وَسَّرَ اِي كُنِيَ لَعْمُ الْمَسْلُومِ ،  
دَيِّسَ اِي كُنِيَ لَعْمُ الْمَسْلُومِ ، لَوْلَا لَبَّيْ بِحِ اِي كُنِيَ لَعْمُ الْمَسْلُومِ ، لَوْلَا لَخَّ عِي مَجْنُومِ لَوْلَا رِيخِ  
دَشَّ اِي كُنِيَ لَعْمُ الْمَسْلُومِ ، لَوْلَا لَوْلَا وَسَّرَ اِي هُتَاكَرَبِوَهُ لَوْلَا لَمَّ حَرُوبِي بِنِ لَوْلَا اِي كُنِيَ لَعْمُ الْمَسْلُومِ ، مَدَّ دَلَّو  
لَوْلَا لَوْلَا وَسَّرَ اِي كُنِيَ لَعْمُ الْمَسْلُومِ ، لَوْلَا وَسَّرَ اِي هُتَاكَرَبِوَهُ دَبَّعَ كُنَّ اَوْ هَلَّ كِي رَشَّ اَلْهُدُوحُ وَ لَوْلَا لَوْلَا اَلْاِنَّ  
اَنْعُمُ لَوْلَا كَزَجَفَ ، هُمُّغُ لَوْلَا تَفَشَّكَ وَ هُمُّغُ لَوْلَا تَحَصَّنَ وَ هَلَّ اَلْاِي دَاوَةَ اَسْرَرُ لَوْلَا تَعْلَبُ دَقَّ  
كَدَّبَعِ اَنْ دَيِّسَ طَعْمُ لَوْلَا اِي هُمُّغُ اَنْعُمُ اِي بِنِ يَزَاجِ اَمَّ لَصَفَّ اَنْعُمُ لَوْلَا كَزَاجِ ، اَرِيخِ  
مَاقِمُ لَوْلَا هُتَاكَرَبِوَهُ ، عَعِي فَرَّ لَوْلَا اِي لَوْلَا اَعْلَا لَوْلَا اَعْلَا ، اَلْاِي ضَفَّ لَوْلَا اَوَّلَ اِي سَوَّلَا اَدَّمَّ حُمَّ كَلَّ وَسَّرَ  
لَوْلَا لَوْلَا وَ ذَكَّنَّ اَحْبُسَ كُنَّ ، كَدَّبَعِ بَرَّ قُمْ لَوْلَا لَوْلَا اَلْاِي لَوْلَا اَوَّلَ ، هَتَدَّعَ وَ اِي دَلَّ اَلْاِي دَوْمُ حَمُّ لَوْلَا  
مَ اِي طَعْمُ لَوْلَا .

**“Ассалааму ъалайка яаа Расулаллох, ассалааму ъалайка яаа хайра холқиллах, ассалааму ъалайка яаа хияротиллахи мин жамийъи холқиҳ, ассалааму ъалайка яаа ҳабибаллох, ассалааму ъалайка яаа саййида валади аадам, ассалааму ъалайка айюҳан Набиййи ва роҳматуллоҳи ва барокаатуҳу яаа Расулаллох. Инний ашҳаду ан лаа илааҳа иллаллоҳу ваҳдаҳу лаа шарийкалаҳ ва аннака ъабдуҳу ва Росулуҳу ва ашҳаду аннака яаа Расулаллох қад баллағтар рисаалата ва аддайтал амааната ва насаҳтал уммата ва кашафтал ғуммата фажазаакаллоҳу ъаннаа хойрон, жазаакаллоҳу ъаннаа афдола маа жазааа набийян ъан умматих. Аллоҳумма аъти саййидинаа ъабдака ва Расулака Муҳаммаданил васийлата вал фадийлата вад дарожатал олиятар рофийъаҳ, вабъасхул мақомал маҳмуудал лазий ваъадтах, ва анзилхул манзилал муқорроба ъиндак, иннака субҳаанака зул фадлил ъазийм”** (Фатхул қодир).

**Маъноси:** Эй, Аллоҳнинг расули сизга саломлар бўлсин. Эй, Аллоҳнинг махлуқотларини энг яхшиси, сизга саломлар бўлсин махлуқотлар ичидан Аллоҳ танлаб олган зот, эй, Аллоҳнинг ҳабиби сизга саломлар бўлсин, эй, Одам фарзандларининг сардори сизга саломлар бўлсин, эй, Аллоҳнинг Набийси сизга саломлар ва Аллоҳнинг раҳмати ва барокати бўлсин. Эй, Аллоҳнинг расули мен ёлғиз Аллоҳ таолодан Ўзга илоҳ йўқ эканлигига ва Унинг шериги йўқ эканлигига ҳамда сиз Аллоҳнинг бандаси ва Унинг расули эканлигингизга гувоҳлик бераман. Эй, Аллоҳнинг расули сиз рисолатни етказдингиз, омонатни адо қилдингиз, умматга хайри ҳоҳ бўлдингиз, ғамларни кетказдингиз, Аллоҳ сизни бизни тарафимиздан ва Набийларни ўз умматлари томонидан мукофотлаганидан афзалроғи билан мукофатласин. Эй, Аллоҳим! Саййидимиз ва Сенинг банданг ҳамда расулинг Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга василани, фазилатни,

баланд ва олий даражани ато қилгин ҳамда у зотни Ўзинг ваъда қилган мақоми маҳмудга етказгин. У зотга ҳузурингдаги муқарраб манзилни ато қилгин. Шубҳасиз Сен пок ва улуғ фазл эгасидирсан.

Ушбу дурудун салом айтилгандан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг равзалари олдида тик туриб, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни васила қилиб, Аллоҳ таолодан истаклар, чиройли хотима, Аллоҳ таолони розилиги ва мағфирати сўралади. Ундан кейин Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан шафоат қилишларини сўраб, қуйидаги лафзлар айтилади:

يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي أَسْأَلُكَ لِيُحِبَّنِي اللَّهُ وَرَسُولَهُ وَيُحِبَّنِي النَّاسُ كُلُّهُمْ أَوْ يَكُونُ بَيْنِي وَبَيْنَهُمْ حَبْلٌ مِّنْ مَّحَبَّةِ اللَّهِ وَرَسُولِهِ

**“Я расулаллоҳи асълукаш шафоата ва атавассалу илаллоҳи фий ан амута муслиман ала миллатика ва суннатика”** (Фатхул қодир).

**Маъноси:** Эй, Аллоҳнинг расули сиздан шафоат қилишингизни сўрайман ва муслмон ҳолатда миллатингиз ва суннатингизга кўра вафот топишимда сизни Аллоҳ таолога васила қиламан.

### **ЎЗГАЛАР НОМИДАН САЛОМ ЕТКАЗИШ**

Ҳаж ёки умра сафарига кетаётган кишига бирор киши: “Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга менинг номидан салом айтинг” деса, у киши номидан қуйидаги лафзлар билан салом айтилади:

يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنِّي أَسْأَلُكَ لِيُحِبَّنِي اللَّهُ وَرَسُولَهُ وَيُحِبَّنِي النَّاسُ كُلُّهُمْ أَوْ يَكُونُ بَيْنِي وَبَيْنَهُمْ حَبْلٌ مِّنْ مَّحَبَّةِ اللَّهِ وَرَسُولِهِ

**“Ассалому ъалайка яа расулаллоҳи мин фулон ибн фулонин ясташфиъу бика илаа роббика фашфаъ лаҳу ва лижамийл муслимийн”** (Ғуния жадиид).

**Маъноси:** Фалончининг ўғли фалончидан эй, Аллоҳнинг расули сизга салом бўлсин. У сизни Роббингизга шафоатчи бўлишлигингизни сўрайди.

Бундан бошқа кўплаб узун дуолар китобларда мавжуд. Лекин, кўплаб узундан-узун дуоларни ёдлаш инсонларга қийинчилик туғдиради. Шу боис қисқа дуо келтирилди. Кимдаки, мазкур дуони ёдламаган бўлса, она тилида қандай хоҳласа ўшандай одоб ила салом беради. Мадинаи мунавварада турилганда кўпроқ Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам равзаларига бориб дурудун салом айтиш ажру савобли амаллардандир.



васаллам)нинг бир жойига туриб, салом айтилади. Лекин, ушбу саломнинг фазилати Равзаи муборак олдида берилган салом фазилатига етмайди. Агар Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг ташқарисидан Равзаи муборак қаршисидан ўтса, бироз тўхтаб салом берса ҳам бўлади. Улуф устозларимиз аксар қабристонлар олдидан ўтиб кетаётганларда ҳам шундай амалларни қиладилар.

### **НАБИЙ СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ РАВЗАИ МУБОРАКЛАРИ ОЛДИДА ТУРИБ ДУО ҚИЛИШ**

Дурудун саломлардан фориғ бўлгандан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам равзалари олдида келиб, Аллоҳ таолога ҳамду сано ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга дурудун саломлар айтиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни васила қилиб қўлни кўтариб, Аллоҳ таолодан истак ва муродлар ҳамда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни шафоталарини сўраб дуо қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни васила қилиб ота-она, яқинлар, дўстлар ва бутун мўмину мўминотлар ҳақларига дуо қилинади. Ушбу дуолар мустажоб бўладиган жойда бизларни ҳаққимизга дуо қилсалар, биз гуноҳкорларга катта марҳамат қилган бўладилар.

### **ДУРУДУ САЛОМ ВА ДУОДАН КЕЙИН ЎҚИЛАДИГАН ИККИ РАКЪАТ НАМОЗ**

Дурудун салом ва дуодан кейин Абу Лубоба устун олдида келиб, икки рақъат намоз ўқиб, Аллоҳ таолодан истаклар сўралади. Ундан кейин риёзул жаннатда қанча хоҳласа ўшанча нафл намоз ўқиб, дуо қиладди. Риёзул жаннат дуолар мақбул бўладиган жойдир. Мадинаи мунавварада истиқомат қилиб турган пайтда беш маҳал намозни жамоат билан Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)да ўқишга ҳаракат қилиш лозим. Шунингдек доимо тиловат, зикр, дуо ва нафл ибодатлар билан машғул бўлиш керак. У ерда бирор вақтни ҳам зоя кетказмаслик даркор. Кечаларини ҳам тоат-ибодатда ўтказиш керак.

### **РИЁЗУЛ ЖАННАТНИНГ ЕТТИ УСТУНИ**

Масжиди Набавий(соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг қадимги бир бўлаги Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарлари билан Оиша розияллоҳу анҳо хўжралари ўртасида жойлашган бўлиб, уни Риёзул жаннат дейилади. Риёзул жаннатда еттита устун бўлиб, ҳар бир устунга тилла суви югиртирилган. Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)да еттита устун бошқа барча устундан фарқланиб туради. Набий

соллаллоҳу алайҳи васаллам замоналаридан бери ҳар бир етти устунга алоҳида ном ёзилган бўлиб, уларнинг тафсилоти қуйидагичадир:

**Ҳаннона устуни:** Ҳаннона устуни хурмо дарахтидан тайёрланган. Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг минбари ясалишидан аввал Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша устунга суяниб хутба ва ваъз-насиҳат қилар эдилар. Минбар битгандан кейин устунни тарк қилиб, минбарга чиқиб хутба қилганлар. Ушбу устун овоз чиқариб йиғлаганида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўзларининг кўкси муборакларига босганларида йиғидан тўхтаган. Хурмо устуни ҳозир кўмилиб кетган. Лекин, ҳозирги кунда унинг ўрнига бир устун барпо қилинган;

**Абу Лубоба (розияллоҳу анҳу) устуни:** Абу Лубоба розияллоҳу анҳу қадри улӯф саҳобий бўлиб, Табук ғазоти куни ушбу саҳобий томонидан қандайдир хато содир бўлганида улар ўз-ўзларини Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)ни устунига боғлаганлар ва манашу устун Абу Лубоба (соллаллоҳу алайҳи васаллам) деб машҳур бўлган. Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари ечмагунларича биз уни ечмаймиз деб аҳд ичганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Аллоҳ таоло томонидан менга ҳукм келмагунича уларни ечмайман” деб, айтганлар. Улар шу ҳолатда беш кун боғланиб турганлар. Ундан кейин Аллоҳ таоло уларнинг тавбасини қабул қилганлигини Ўзининг каломи Қуръони карим орқали эълон қилган. Шундан кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг муборак қўллари билан уларни ечиб юборганлар. Уларнинг тавбаси ва тавбаларини қабул бўлганлиги ҳақида “Тавба” сурасида зикр қилинган. Шу сабабли у ерда икки ракъат намоз ўқиб, тавба ва истиғфор айтиб, дуо қилиш лозим;

**Вуфуд (элчилар) устуни:** Ушбу устун олдида ташқаридан келувчи қабила элчилари ўтиришиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак қўлларида исломни қабул қилиб, байъат қилганлар. Ушбу устун Оиша ва Фотима розияллоҳу анҳолар ҳўжралари деворига ёпишгандир;

**Хуррас (қўриқчилар) устуни:** Оиша розияллоҳу анҳо ҳўжралари деворига ёпишган устунга хуррас устуни дейилади. Ҳижрат аввалида Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дарвозалари қўриқланар эди. Қўриқчилар эса, ўша устун олдида ўтиришар эди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни Ўзи ҳимоя қилишини эълон қилганидан кейин қўриқчилик қилишлик тугатилган;

**Жибрийл алайҳиссалом устун:** Жибрийл алайҳиссалом Дихятул Калбий суратида ваҳий олиб келганларида аксарият ҳолатда ўша устун олдига ўтирар эдилар ва ўша жойга мақоми Жибрийл алайҳиссалом ҳам дейилар эди. Ўша жойда қилинган дуолар мустажоб бўлади;

**Сарийр устун:** Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам эътикоф ўтирганларида дам олишлари учун тўшак ёзиб қўйилган устунга сарийр устун дейилади. Чунки, бу жой Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эътикофгоҳлари бўлган. Шунинг учун бу ерда қилинган дуо мустажоб бўлади;

**Оиша розияллоҳу анҳонинг устунлари:** Бир бор Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: “Менинг масжидимда шундай жой борки, у ерда ўқилган намозларни фазилати инсонларга маълум бўлса, навбат олиш учун қуръа ташлашга тўғри келиб қолади” деганлар. Шундан кейин саҳобаи киром розияллоҳу анҳумлар ўша жойни қидиришга тушганлар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин Оиша розияллоҳу анҳо ўзларининг жиянлари Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳуга ўша жойни айтганлар. У ерда тавба, истиғфор, дуо ва намоз билан машғул бўлиш лозим. Шунинг учун у ерни Оиша розияллоҳу анҳо устун дейилади ва у ерда қилинган дуолар мустажоб бўлади. Демак, мазкур жойлардан бирор жойни дуосиз тарк қилмаслик даркор.

## **МАСЖИДИ НАБАВИЙ (СОЛЛАЛЛОҲУ АЛАЙҲИ ВАСАЛЛАМ)НИНГ ЭШИКЛАРИ**

Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га кириш учун бир неча эшиклар бўлиб, уларнинг қисқача тафсилоти қуйида баён қилинган. Шоҳ Фаҳд таъмиридан олдин Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)да ўнта эшик бор эди. Улар қуйидагилар:

1. Жибрийл алайҳиссалом эшиги;
2. Аёллар эшиги;
3. Абдулазиз эшиги;
4. Умар розияллоҳу анҳу эшиги;
5. Мажидий эшиги;
6. Усмон розияллоҳу анҳу эшиги;

7. Саъуд эшиги;
8. Абу Бакр розияллоҳу анҳу эшиги;
9. Раҳмат эшиги;
10. Салом эшиги.

Жануб тарафда қибла жойлашган бўлиб, у томонда эшик йўқ.

### **МАШРИҚ ТОМОНДАГИ УЧ ДАРВОЗА**

Машриқ томонда уч дарвоза бўлиб, уларга боби Жибрийл алайҳиссалом, боби Нисоъ ва боби Абдулазиз дейилади. Улардан аввалги иккитаси қадиймийдир. Боби Абдулазиз эса, Саудия ҳукумати томонидан қурилгандир. Муборак равзага яқин жойда жойлашган дарвоза боби Жибрийл алайҳиссалом дарвозасидир. У дарвозадан киришда чап тарафда Фотима розияллоҳу анҳонинг ҳўжраси жойлашган. Ўнг томонда эса, асҳоби суффанинг турар жойи бўлган. Чап тарафдаги Фотима розияллоҳу анҳонинг ҳўжралари тугаган жойдан Риёзул жаннатнинг бир ҳиссаси бошланади. Жибрийл алайҳиссалом аксарият ҳолатда ўша тарвозадан ташриф буюрар эдилар. Ундан кейин боби Нисо, сўнг боби Абдулазиз келади.

### **ШИМОЛ ТОМОНДАГИ УЧ ДАРВОЗА**

Шимол томондан Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)га киришда уч дарвозага дуч келинади. Улар: боби Умар (розияллоҳу анҳу), боби Мажийдий ва боби Усмон (розияллоҳу анҳу) кабилар. Ўртада боби Мажийдий, чап томонда Умар (розияллоҳу анҳу), ўнг томонда Усмон (розияллоҳу анҳу)ни эшиклари мавжуд.

### **МАҒРИБ ТОМОНДАГИ ТЎРТ ДАРВОЗА**

Мағриб томонда тўртта дарвоза жойлашган бўлиб, улардан шимолий мағриб томонда жойлашган биринчи эшик боби Саъуд, сўнг боби Абу Бакр (розияллоҳу анҳу), сўнг боби Раҳмат, сўнг боби Саломдир. Салом эшиги Жибрил (алайҳиссалом) дарвозаси рўбарасида жойлашган. Ушбу ўн дарвозалар ичидан Жибрил (алайҳиссалом) эшигидан кириш зиёда афзалдир.

**Фойда:** Мазкур дарвозалардан бирортаси жануб, яъни қибла томонда жойлашмаган. Туркия ҳукумати таъмирлагандан кейин Саъудия ҳукумати

ўнг ва чап тарафга, яъни мағриб ва машриқ томонга икки дарвозани қўшган. Улардан бири Салом бобининг мағриб томонига, иккинчиси Жибрил (алайҳиссалом) бобининг машриқ томонига қурилган. У икки дарвоза ҳам жуда каттадир. Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)нинг янги биноаси эскисига нисбатан бироз орқага силжитиб қурилган.

## **ЖАННАТИ БАҚИЙЪ**

Бақийъ қабристони Мадинаи мунавварада жойлашган кенг қабристон бўлиб, у ерга минглаб саҳобий розияллоҳу анҳумлар, тобиин ва авлиёлар дафн этилган. Ушбу қабристон Масжиди Набавий (розияллоҳу анҳу)нинг қибла томонида жанубий машриқ томонда жойлашган. Дастлаб, Масжиди Набавий (розияллоҳу анҳу) билан Бақийъ қабристони орасида ҳеч қандай тўсиқ бўлмаган. Ушбу қабристонга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўққизта аёллари, яъни оналаримиз дафн этилганлар. Улар қуйидагилар:

1. Уммул мўминийн Оиша розияллоҳу анҳо;
2. Уммул мўминийн Ҳафса розияллоҳу анҳо;
3. Уммул мўминийн Савда розияллоҳу анҳо;
4. Уммул мўминийн Зайнаб бинти Жаҳш розияллоҳу анҳо;
5. Уммул мўминийн Зайнаб бинти Хузайма розияллоҳу анҳо;
6. Уммул мўминийн Умму Салама розияллоҳу анҳо;
7. Уммул мўминийн Жувайрия розияллоҳу анҳо;
8. Уммул мўминийн Умми Ҳабиба розияллоҳу анҳо;
9. Уммул мўминийн София розияллоҳу анҳолардир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутаҳҳароларидан Хадижаи Кубро розияллоҳу анҳо Маккаи мукаррамадаги Жаннатул муъалло қабристонига дафн этилганлар. Уммул мўминийн Маймуна розияллоҳу анҳонинг қабрлари Сирф деган жойдадир. Ушбу жой Масжиди ҳарамдан ўн олти километр узоқликда, Мадинаи мунаввара йўлида жойлашган. Ушбу масофани узунлиги Масжиди ҳарамдан Жаннати муалло йўли орқали Масжиди Оиша (розияллоҳу анҳо)гачадир.

Бақийъ қабристонига Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Фотимаи Заҳро, Руқайя, Зайнаб, Умму Кулсум, Иброҳим розияллоҳу анҳумлар дафн этилганлар. Набиралари Ҳасан ибн Алий розияллоҳу анҳунинг қабрлари ҳам Бақийъда жойлашган. Зайнул Обидийн розияллоҳу анҳу ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари Аббос розияллоҳу анҳунинг қабрлари ҳам шу ерда жойлашган. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўғиллари Қосим ва Абдуллоҳ розияллоҳу анҳуларнинг қабрлари Жаннатил муъаллодадир. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аммалари София бинти Абдулмуттолиб, Отика бинти Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳолар ва амакиваччалари Абу Суфён ибн Ҳорис ибн Абдулмуттолиб розияллоҳу анҳу ва сут оналари Ҳалима розияллоҳу анҳонинг қабрлари Бақийъда жойлашган. Шунингдек, Усмон зин нурайн, Абу Саъид Худрий, Абдурахмон ибн Авф, Саъд ибн Абу Ваққос, Асад ибн Зурора, Усмон ибн Мазъун, Анас ибн Молик розияллоҳу анҳумлар, Али розияллоҳу анҳунинг оналари Фотима бинти Асад розияллоҳу анҳонинг қабрлари ҳам Бақийдадир. Имом Молик раҳматуллоҳи алайҳининг қабрлари ҳам айна шу жойдадир. Ушбу қабристондаги энг кўркам мақбара Усмон розияллоҳу анҳунинг қабрларидир. Усмон розияллоҳу анҳунинг қабрлари Бақийъ дарвозасидан кирилгандан кейин икки юз қадам узоқликда жойлашган. У ердан юз қадам узоқликда, яъни девор олдида Абу Саъид Худрий, Фотима бинти Асад розияллоҳу анҳуларни қабрлари жойлашган.

### **ЖАННАТИ БАҚИЙЪНИНГ ФАЗИЛАТИ**

Бақийъ қабристони дунёдаги барча қабристонлардан мақоми улуғ ҳисобланади.

مَلَسَ وَوَيْلَعُ لَلِإِيصَّةِ لَلِأُلُوْسَرِّ لَلِأَقْلَاقِ عُنَّ لَلِإِيضَرِّ رَمْعِ نَبَا لَلِدَبْعِ نَعِ  
أَوْبُتْ وَمَيِّ نَمْلُ عُفْشَا يِّنِ إِيْفِ أَوْبُتْ مَيِّ لَفِ نَيِّ دَمْلَابِ تَوْمِي نَأْعَاطِ سَأْنَمِ

*Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Кимки Мадинада вафот эта олса, унда вафот этсин. Чунки, унда вафот этган кишини шафоат қиламан” дедилар”** (Термизий ривояти).

Баъзи китобларда Бақийъ қабристонига дафн этилганлар доимо қабр азобидан эминда бўладилар, деб ёзилган.

### **ЖАННАТИ БАҚИЙЪНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ**

Ҳожи ва умра қилувчилар сафарлари давомида Мадинаи мунавварани зиёрат қилиш бахтига муяссар бўладилар. Зиёрат асносида албатта Бақийъ қабристонини ҳам зиёрат қилиш учун вақт ажратишга ҳаракат қилиш лозим. Бундай имкониятни қўлдан бой бермаслик лозим. Агар имкони бўлса, ҳар куни ёки бир ҳафтада бир марта зиёрат қилиш лозим. Жумъа кунда зиёрат қилиш эса, жуда яхшидир.

### **БАҚИЙЪ АҲЛИГА САЛОМ АЙТИШ**

Бақийъ қабристони ҳар доим ҳам очиқ бўлмайди. Жаноза вақтида эса очиқ бўлади. Одатда аср намозидан кейин жаноза билан у ерга кириш осон бўлади. Шунинг учун у ерга кириш вақтини интизорлик билан кутиб туриш лозим. У ерга кириб, Бақийъ аҳлига қуйидаги лафзлар билан салом берилади:

نَوُوحًا لِّمُكَبُّوْهُ لِّلْءَاشِءِ اِنَّ اَوْنَى نَمُوْمٍ مَّوَقَّ رَادُّمُ كَيْلَعُ مَالِ سَلَا

**“Ассалааму алайкум доро қовмим муъминийн ва иннаа ин шаа Аллоҳу бикум лааҳиқуун”** (Абу Довуд ривояти).

**Маъноси:** Эй, мўминлар қавминининг ховлиси сизларга салом бўлсин. Ин шаа Аллоҳ бизлар ҳам сизларга қўшилгувчимиз.

مهلو انل رفغا مهلل دقرغلا عيقبلا لهال رفغا مهلل

**“Аллоҳумма иғфир ли аҳлил Бақийъил ғарқоди. Аллоҳумма иғфир ланаа ва лаҳум”.**

**Маъноси:** Эй, Аллоҳим! Бақийъ аҳлини мағфират қилгин. Эй, Аллоҳим бизларнию уларни мағфират қилгин.

Умумий салом бергандан кейин қайси улуғларга алоҳида аломат қўйилган бўлса, уларга алоҳида салом айтилади.

### **УСМОН ЗИННУРАЙН РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУГА САЛОМ АЙТИШ**

Бақийъ қабристонинида Усмон розияллоҳу анҳунинг қабрлари алоҳида ажралиб туради. Ушбу қабр олдида келиб, қуйидаги лафзлар билан салом берилади:

نيدشارلا ءافلخل ثلاث اي كيلع مالسللا نيملسملا اماما اي كيلع مالسللا نيعلاو دقنلاب ةرسعلا شيج زهجم اي كيلع مالسللا نيرونلا اذا اي كيلع مالسللا نيتفدلا نيب نارقلا عماج اي كيلع مالسللا نيترحله لباحص اي كيلع مالسللا

كَيْلَع مَالَسَلَا رَادَلَا دِيَهَش اِي كَيْلَع مَالَسَلَا رَادِكَا لِي لَع رَوْبَص اِي كَيْلَع مَالَسَلَا  
هَتَاكْرَبُو هَلَلَا ةَمَحْرُو.

**“Ассаламу алайка я имамал муслимийн, ассаламул алайка я солисал хулафаар рошидийн, ассаламу алайка я зан нурайни, ассаламу алайка я мужаҳиза жайшал усрати бин нақди вал айни, ассаламу алайка я соҳибал ҳижратайн, ассаламу алайка я жомиал Қуръон байна даффатайни, ассаламу алайка я собуру алал акдаар, ассаламу алайка я шаҳийдад даар, ассаламу алайка ва раҳматуллоҳи ва баракатуҳ”** (Ғуния жадийд).

**Маъноси:** Эй, мусулмонлар имоми, эй хулафои рошидинларнинг учинчиси, эй икки нур соҳиби, эй, Табук ғазоти аскарларини таъминотчиси, эй икки ҳижрат соҳиби, эй Қуръонни китоб шаклида жамлаган, эй, машаққатларга сабр қилган, эй ховлисида шаҳид бўлган зот сизга саломлар ва Аллоҳнинг раҳмати ҳамда баракоти бўлсин.

### **БАҚИЙЪ АҲЛИГА САВОБ ЙЎЛЛАШ**

Усмон розияллоҳу анҳуга салом айтиб бўлгач, “Фотиҳа”, “Бақара” сурасининг аввалидан “муфлиҳун” гача, “Оятал курсий”, “Аманар расул”, “Яасин”, “Мулк”, “Қадр”, “Такаасур”, “Қурайш” ва “Ихлос” сурасини уч мартадан ўн бир мартагача қанчасига қодир бўлса, ўшанча ўқиб, Бақийъ аҳлига ва барча мўмину мўминотларга савобини бағишлайди. Агар юқоридаги сураларни ўқишга қодир бўлмаса, ўзи билган суралардан ўқиб, савобини бағишлайди.

### **ҲАМЗА РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ ВА УҲУД ШАҲИДЛАРИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ**

Масжиди Набавий (соллаллоҳу алайҳи васаллам)дан беш ёки олти километр узоқликда машҳур Уҳуд тоғи жойлашган. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу тоғ ҳақида такрор-такрор шундай деганлар:

لَبَّجْ اَدَّهٗ «: لَاقِفٌ دُخُٓ اَ هَلَّ عَ لَط م ل س و ه ي ل ع ه ل ل ا ل ي ل ص ى ب ٓ ن ل ا ن َ ا ٓ : ك ل ا م ن ٓ ب ٓ س ن َ ا ٓ ع ى ر ا ٓ خ ٓ ب ٓ ل ٓ ا ٓ ه ا و ر . «... ة ٓ ب ٓ ح ٓ ن و ا ن ٓ ب ٓ ح ٓ ي

*Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Уҳудга назарлари тушганида:**

**“Ушбу тоғ бизни яхши кўради ва биз уни ҳам яхши кўрамиз...”**

(Бухорий ривояти).



**масжидидаги бир намози беш юз намозга тенгдир. Масжидул ақсодаги бир намози эллик минг намозга тенгдир. Мени масжидимдаги бир намози эллик минг намозга баробардир. Масжидул ҳаромдаги бир намози юз минг намозга тенгдир” дедилар”** (Ибн Можа ривояти).

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидларида узулуксиз қириқ маҳал намоз ўқиш улкан ажру савобларга сабаб бўлади. Бу ҳақда ҳадиси шарифда шундай дейилган:

نَمَّ لِقَائِهِ مَنْ لَمْ يَلَسْ وَهِيَ لَعَلَّ لِي لَصِيْبِي بِنِجْنِ عُنُقِهِ لَلِضَرْبِ كَلَامِ نَبِيِّنَا نَعْرَانِ لِمَنْ لَعَلَّ أَرْبُ هَلْ تَبْتُكَ، أَلَا صَنِيعَ بَرَأِي دَجْسَمِ يَفِي لَصِ قَافِنِ لِمَنْ لَعَلَّ رَّبُّوْءِ بَدْعِ لِمَنْ لَعَلَّ أَعْنَوْ

*Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:**

**“Ким мени масжидимда қириқ (маҳал) намоз ўқиб, бирор намозни қолдирмаса, унга дўзахдан сақланиш, азобдан нажот ва нифоқдан эминлик ёзилинади” дедилар”** (Имом Аҳмад ривояти).

### **ҚУБО МАСЖИДИНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ВА У ЕРДА НАМОЗ ЎҚИШ**

Масжиди Қубони қурилишида Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шахсан ўзлари иштирок этганлар ва муборак қўллари билан тошини қўйганар. Ҳижратдан кейин илк қурилган масжид Қубо масжиди ҳисобланади. Ушбу масжид борасида Қуръони каримда шундай марҳамат қилинади:

وَقَاتِلْ آلَ قَارِظٍ مَّ بَنِي إِسْرَائِيلَ كَانُوا كَاذِبِينَ

**“Албатта, биринчи кундан тақво асосида қурилган масжид”** (Тавба 108 оят).

Ҳозирги кунда Қубо масжиди йўл бўйидаги кенг майдонда жойлашган. қилинган. Масжиди Набавийдан уч ёки тўрт километр узоқликда жойлашган.

دَجْسَمِ يَفِي لَصِ قَافِنِ لِمَنْ لَعَلَّ رَّبُّوْءِ بَدْعِ لِمَنْ لَعَلَّ أَعْنَوْ

*Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:*



هُدًى لِّصَّالِحِينَ ۖ لَقَدْ أَهْلَكْنَا الْقُرُونَ الَّتِي نَسُوا اللَّهَ فَنَلَتْهُم مِّنْهُم مَّغْشَاتٌ مِنَ الْعَنَاءِ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا فِي سَكِينٍ مِّنْهُ لَا يَرْهَبُونَهَا ۚ إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا فِي سَكِينٍ مِّنْهُ لَا يَرْهَبُونَهَا ۚ إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ ۚ إِنَّهُمْ كَانُوا فِي سَكِينٍ مِّنْهُ لَا يَرْهَبُونَهَا ۚ إِنَّ اللَّهَ هُوَ الْعَلِيمُ الْحَكِيمُ ۚ

*Муоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**“Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз ўқидилар ва намозларида унинг қиёми, рукуси ва саждасини узун қилдилар. Намозларини тугатгач: “Мен:**

**“Эй, Аллоҳнинг расули! Қиёми, рукуси ва саждаси узун намоз ўқидингиз-а?” дедим. У зот:**

**“Бу рағбат, умид ва қўрқинч енамозидир. Мен роббимдан уч нарсани сўрадим. У зот менга иккисини бериб, бирини мендан ман қилди. Мен Аллоҳ таолодан умматимга қаҳатчилик етказиб, уларни оч ҳолларида ҳалок қилмаслигини сўрадим. Сўраганимни берди. Уларни устидан ўзга душманларни султон қилмаслигини сўрадим. Сўраганимни берди. Уларнинг зарари ўз ораларидан бўлмаслигини сўрадим. Буни Аллоҳ мендан ман қилди” дедилар” (Итҳофул хияра).**

Ҳозирга келиб, ўша жой ўрнига бир масжид барпо қилинган. Унга “Масжиди ижоба” дейилади. Ушбу масжид Бақийъ қабристонининг шимол томонидан блиб, Самон боғи олдида жойлашган. У ерга келиб, икки рақъат намоз ўқиб дуо қилиш мустаҳабдир.

## **УБАЙ ИБН КАЪБ РОЗИЯЛЛОҲУ АНҲУ МАСЖИДИ**

Жаннатул Бақийъга туташган ҳолатда Убай ибн Каъб розияллоҳу анҳунинг уйлари бўлган. Кўпинча Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у ерга ташриф бюриб намоз ўқиб дуо қилар эдилар. Айна ўша жойга Масжиди Убай ибн Каъб номли масжид барпо қилинган. У ерда қилинган дуолар ҳам мақбул бўлади. Ҳозирга келиб, ушбу масжид Бақийънинг ичига кириб кетган.

## **МАДИНАИ МУНАВВАРАДАН ҚАЙТИШ ОДОБИ**

Мадинаи мунавварадан қайтишни ирода қилган пайтда Риёзул жаннат ёки Масжиди Набавийнинг бирор жойида икки рақъат нафл намоз ўқиб, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга солавоту саломлар айтиб, аввалгидагидек дуруду салом айтиб, икки қўлини кўтариб: “Сафаримни осон қилгин. Мени





## ҲОЖИЛАРНИНГ ЧАҚИРИҒИ

Ҳожилар сафарга кетишларидан олдин ёки сафардан қайтганларидан кейин бирор издиҳом ташкиллаштиришлари Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ва саҳобаи киромлар ҳамда тобиин, мужтаҳид имомлардан собит бўлмаган ишлардандир. Ҳаж улкан ибодат бўлгани боис уни турли риё ишлардан сақлаш лозим. Ҳожиларни издиҳом уюштиришлари эса, риёкорлик ва ҳажларни бекор бўлиб қолишига сабаб бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун бундай издиҳомларни тарк қилиш лозим. Чунки, дунё орзу ҳаваслари деб, улкан ибодатни йўққа чиқармаслик керак.

ل ب ق ت م ه ل ل ا ل ا ل ي ص ا و ة ر ك ب ه ل ل ا ن ا ح ب س و ا ر ي ث ك ه ل ل د م ح ل ل ا و ا ر ي ب ك ر ب ك ا ه ل ل ا  
ا ن ق ف و م ه ل ل ا م ي ح ر ل ل ا ب ا و ت ل ل ا ت ن ا ك ن ا ا ن ي ل ع ب ت و م ي ل ع ل ا ع ي م س ل ل ا ت ن ا ك ن ا ا ن م  
ل ك ي ف ة ر م د ع ب ة ر م د و ع ل ل ا د ع ب د و ع ل ل ا ن ق ز ر ا و ي ض ر ت و ب ح ت ا م ك ك س ا ن م ل ا ء ا د ا ل  
م ل س و ه ل آ و د م ح م ا ن ا ل و م و ا ن د ي س ة ي ر ب ل ل ا ر ي خ ي ل ع ي ل ا ع ت ه ل ل ا ي ل ص و ة ن س  
ا ر ي ث ك ا ر ي ث ك ا م ي ل س ت